

## Тошкентда "Central Asia – 2015" халқаро анжумани бўлиб ўтди

24 апрел 2015



"Central Asia – 2015" IX Халқаро анжумани Ўзбекистон Миллий кутубхонасида ўтказилди.

Ушбу анжуманни ўтказишдан мақсад, фан, таълим, маданият ва бизнес соҳаларида электрон ахборот-ресурсларини қўллаш ва ривожлантиришда ахборот-кутубхона муассасалари, ўқув юртлари, архивлар, музейлар ва бошқа ташкилотлар ўртасида таъсирчан ҳамда самарали ҳамкорликни фаоллаштиришдан иборат.



Таъкидлаш жоизки, анжуманда электрон ахборот-ресурсларни шакллантириш, ахборот-кутубхона тизимларини яратиш ҳамда ахборот-кутубхона муассасалари, таълим тизимидаги муассасалар, архивлар, музейларда улардан фойдаланиш муаммолари бўйича самарали тажриба алмашишга кўмаклашишга алоҳида эътибор

қаратилди. Шунингдек, анжуманда асосий эътибор ахборот-кутубхона муассасалари, илмий ва таълимий муассасаларнинг электрон малумотлар базалари ва Интернет имкониятларидан кенгрок фойдаланиш, уларга эркин киришни таъминлаш ҳамда уларни мазмунан бойитишга йўналтирилган ҳаракатларни фаоллаштиришни тарғиб этишга қаратилди.



Халқаро конференцияда хорижий мамлакатлар Миллий кутубхоналари, махсус кутубхоналар, болалар, ўсмирлар ва ёшлар кутубхоналари, барча тизимлар ва идоралар кутубхоналари раҳбарлари ва мутахассислар иштирок этишди, деб хабар қилади UzReport.

Маданий дастур доирасида конференция меҳмонлари учун Тошкентнинг диққатга сазовор жойлари бўйлаб даблдеккер автобусида сайёҳат ташкил этилди ва Миллий академик драма театрида "Ҳалала" спектакли намойиш этилди.